

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш  
ШАРТНОМАСИ

163132676

20 28 йил " 01 -сон

Қошқоғон ш.к.  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

7 соғи дозалар

(Истеъмолчи номи)

Мужик санат мажорат

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари

А. Рашидова

Низом ва 2022 йил " 05 " 01 да берилган 03-19-06/36 бир томондан ҳамда асосида фаолият юритувчи " Қурулғу Қошқоғон " (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари Ш. Атамонов иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мажбур шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициатга эга газ қурилмалари, шунингдек, модел алоқаси (ТҲНАТ-АСКУТ) билан жиҳозланган, автоматлаштирилган газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табийий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 37,000 куб.м, нархи 660000 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак	20.0	минг куб.м,	январь	8.0	февраль	8.0	март	4.0
II чорак	—	минг куб.м,	апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м,	июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	12.0	минг куб.м,	октябрь	—	ноябрь	4.0	декабрь	8.0

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашдан издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегия ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган

табий газнинг минимал хажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлари буйича куйидагиларни ташкил қилади:

- I чорак \_\_\_\_\_ январь \_\_\_\_\_, февраль \_\_\_\_\_, март \_\_\_\_\_
- II чорак \_\_\_\_\_ апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_
- III чорак \_\_\_\_\_ июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_
- IV чорак \_\_\_\_\_ октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_

1.5. Агар, Истеъмолчи буюртманомада ойлари буйича булиб кўрсатмаган тақдирда, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлари буйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши буйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

### II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгартганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

69-227-96-65

Истеъмолчи телефон рақами:

69-232-24-89

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартрилишига қадар камда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартрилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режими бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектиларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳукукига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тежор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 бидан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб

берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиши, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалда оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгартган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуksиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси буйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида, тегишлилиги буйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Ёрлик миқдори стандарт шароитда 1 м3 газ олинади: ҳарорат 20 ° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари буйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий ҳужужий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга аниқлаш равишида аниқланадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси таъжови тегишли қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар", O'z DSt 8.031:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан ҳаёҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мезъорлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий киёсов кўригидан ўтказилган сертификати ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг киёсов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтши даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёсов кўриги қалибрасш, торайиш мосламасини алмангтириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқаринг эхтиёжлари асосида келишув буйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мезъорлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Газ ўлчаш приборларида ва ёки ўлчов комплексида бажариладиган ҳар қандай ишлар (тешириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, режалаштирилган ишлар ва бошқалар) Етказиб берувчи ва Истеъмолчининг вакиллари иштирокида амалга оширилиши керак.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси ҳақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмангтириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шаронгидаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборнинг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборнинг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатишга тамгаларни бутулиши Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлатишни кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 буйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий ҳолатлар юзасга келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 буйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекс қиёсийнинг руҳсатсиз аралашин ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда таъминланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобдан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмолчи – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини чеглаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноҳонуний байпас линиялари уланганда) охириги ҳалловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўн бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги ҳалловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўн бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўн бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёсов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – ҳисобга олиш прибори ечилиган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсовдан ўтказишга, сертификат олиниб жойига ўрнатишга кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тулаганда – киёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тулаган кундан кундан киёсов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатишга тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташиқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўн бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбонимчаник ечиб кўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташиқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг метрологик режимини бузилган газ қувурларида ёки ГТШларида асбоб-усқуналар ўришилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташиқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга.

и) Газ ҳисоблаш усқунасининг қонфигурациялари ва ноҳонуний шароада ташиқилоти таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташиқилоти таъсир кўрсатишга кундан бошлаб (агар аралашув кунини) ва фактиник тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот оинда маълумотлар олиши имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оинратив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун АСКУ" тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар АСКУ" тизимида қайд этилган маълумотлардан олинад);

л) газ истеъмоли ҳақлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, шомбананманган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳагловдан ўтказиш далоятномаси тузилган кундан, ҳаглов далоятномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вақили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштирил ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатилиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганилик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда). Қўшимча газ анжомлари ўрнатиб олиб фойдаланганлик муддатига аниқлик киритиш имкони бўлмаганда – бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмининг настки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метёринг-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг настки чегарасида олинди.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончливлигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўйномаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, сөз ҳолатида бўлганда эса – экспертиза ўтказишни талаб қилган Тариф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори шундан чиқанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиққан ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги ва газ ишлаб чиқарган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламай қолган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда вақтинча ўчириб тамгаланишга таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DS# 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБИ

##### АМАЛГА ОШИРИШИ

4.1. Истеъмолчи мажкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишдан қамда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги 5978-сон фармонида асосан «Қоролқаварус» шанлемиясига даврда 2020 йил 1 апрелдан 30 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишдан қамда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз

олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишдан қамда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотиининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб бериладими.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб бериладими (стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 сарасига қадар аввалги ойда истеъмол қилган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилини ойна тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аввалс тарзда тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса ишлуида газдан фойдаланишда ҳисобга олинмади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишимасиз газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига ҳисобга олишга олинмади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созилиши мониторинг қилиш учун ечили олиш, шунингдек, Истеъмолчи алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа тулашув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлари бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аввалс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчи хизматлари қилган ҳолда қарғни қоплашга йўналтирилади ва аввалс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддатга ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вақилари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилини ҳисобга олиш приборлари эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланганда ҳолдакиритиши орқани аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оёи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисоб varaқ-файгура кoбoрилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотярасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этилган, Истеъмолчининг бўлиши чгарасинга бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балаксда бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб бoрилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оёи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб oлади. Икзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисоб varaқ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табний газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табний газ ҳажмлари учун тўловлардан oзoд қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан кoрoзи бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оёи тугатилган кейин 10-кунгача бошда томонга бу тўғрисида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вақалига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзарo ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишимoвчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундариш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳллар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табний газнинг аванс ториксидан тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўни билан кейинги 1 ой кўпلىгача тўлов тўланмак озоd қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФOЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйишши, Етказиб берувчи Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмадиган ва икки нусxada тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномe мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйи) ундариб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундарилишини Истеъмолчинин қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан oз қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚOЙИШ ВА ҚAЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг ямақонлиги ҳамда ушбу ҳолатларни бeртараф этилушига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда олдидан тўловла амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтогазинвестсия"нинг кўрсатмалар бажарилмаганда;

- ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлагига тўқинилик қилувчи хатги-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилини;

- Газдан фойдаланиш қондаларига эид раминда газ тармоқларига ноқонунли уланниш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-ғараж қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган молдий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига oлмайдди.

6.2. Тармоқча қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундарилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиши ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТТХНАТ) ярага уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундаришмайди.

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ихро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз келиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдini олиш ёки бартараф этиш юзасидан кенгайтириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзга келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамла зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхлатиш ёки чекилан;

- Ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қонрабузарликлар бартараф этилувигига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

### 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга жавоб:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва табул қилиш даволатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-сониясига Етказиб беришга электрон газ ҳисоб-доқони архив маълумотлари (расмийлашган ёки газни ҳисобта олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш).

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжални газ қувурлари ва ускуналарини техник жидатдан саз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқилиш ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- Газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ИТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йул қўймаслик;

- Газ таъминоти ташкилоти вакиллари ва "Ўзнефгазспецкнция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобта олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечирилиши таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик,

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

### 7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини саз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун лаврий кўздан кечирш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхлаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камда уч йил мобайнида ўзда сақлашни таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилувигига қадар табиий газ таъминотини кўшича огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчдириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келтирилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда могополига қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқилиши — дарҳон;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлиги — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан танқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш.

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартриш ёки тўхтатиш;







Намангани шаҳар Давлатобод туман 1-БМСМ ва "Худудгаз Наманган" газтаъминоти филиали  
уртасида 2022 йил "4" январдаги № 163132/1676 сонли ШАРТНОМАга


### СПАЦИФИКАЦИЯ

(хизмат тури)

ОЙЛАР	Миқдори 1-М3	Суммаси минг сўм	
		1-М3 нархи	суммаси
<b>2022 йил</b>			
Январ	8000,0	660,0	5 280 000,00
Феврал	8000,0	660,0	5 280 000,00
Март	4000,0	660,0	2 640 000,00
<b>1-ЧОРАК</b>	<b>20000,0</b>		<b>13 200 000,00</b>
Апрел	0,0		0,00
Май	0,0		0,00
Июн	0,0		0,00
<b>2-ЧОРАК</b>	<b>0,0</b>		<b>0,00</b>
Июл	0,0		0,00
Август	0,0		0,00
Сентябр	0,0		0,00
<b>3-ЧОРАК</b>	<b>0,0</b>		<b>0,00</b>
Октябр	0,0		0,00
Ноябр	4000,0	660,0	2 640 000,00
Декабр	8000,0	660,0	5 280 000,00
<b>4-ЧОРАК</b>	<b>12000,0</b>		<b>7 920 000,00</b>
<b>ЙИЛЛИК</b>	<b>32000,00</b>		<b>21 120 000,00</b>

(йигирма бир миллион бир юз йигирма минг) сум 00 тийин

Хизмат кўрсатувчи



Истемолчи



Л.Халилєва